



doi [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a22](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a22)

## ХАРАЖАТЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна -**

PhD, катта ўқитувчи,  
Тошкент молия институти

**Аннотация.** Мақолада анъанавий тарзда шаклланган ва амалиётда қўлланилаётган харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби муаммолари аниқланган ҳамда корхоналарда харажатларни бошқарши ва уларни ҳисобга олишининг янги ва самарали механизмларини ишлаб чиқиш зарурати асосланган. Шу хулоса асосида айни пайтда жаҳон амалиётида харажатлар, даромад ва молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг учта устувор йўналишлари қўлланилиб келинаётганлиги кўрсатиб берилган.

**Калим сўзлар:** харажат, қиймат занжисири, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисоби.

## НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СТРАТЕГИЧЕСКОГО УЧЕТА ЗАТРАТ

**Пардаева Шаҳноза Абдинабиевна -**

PhD, старший преподаватель  
Ташкентский финансовый институт

**Аннотация.** В статье обозначены проблемы учета стратегического управления затратами, которые традиционно формируются и используются на практике, и основывается на необходимости разработки новых и эффективных механизмов управления затратами и учета на предприятиях. На основании этого вывода показано, что в настоящее время в мировой практике для организации и ведения стратегического управленического учета затрат, доходов и финансовых результатов используются три приоритета.

**Ключевые слова:** расходы, цепочки стоимости, учет стратегического управления затратами.

## DIRECTIONS FOR EFFECTIVE ORGANIZATION OF STRATEGIC COST ACCOUNTING

**Pardaeva Shakhnoza Abdinabiyevna -**

PhD, senior teacher Tashkent Institute of Finance

**Annotation.** The article identifies the problems of strategic management cost accounting, which are traditionally formed and used in practice, and substantiates the need to develop new effective mechanisms for cost management and cost accounting at enterprises. Based on this conclusion, it is shown that in world practice, three priorities for the organization and maintenance of strategic management accounting of costs, revenues and financial results are used.

**Keywords:** cost, value chain, strategic management accounting of costs.

**Кириш.** Харажатларни бошқариш ва уларни ҳисобга олиш муаммоси ҳар бир корхонанинг фаолият жараёнини қамраб олган мураккаб ва муҳим жараёндир.

Иқтисодиётни модернизациялаш, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётган ҳозирги пайтда, фикримизча, ана шу муаммонинг моҳиятини белгилайдиган қуйидаги бир қатор омиллар яққол намоён бўлмоқда: корхоналар харажатларини бошқариш ва ҳисобга олишда уларнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ташки муҳим бир қатор омиллар умуман инобатга олинмайди ёки уларнинг таъсирига етарлича эътибор қаратилмайди; корхона фаолиятига дахлдор бўлган муҳим стратегик бошқарув қарорларни қабул қилиш жараёни учун маълумот тақдим қилишнинг амалдаги тизими самараси сезилмайди ёки шундай ҳолларда унинг умуман фойдасиз эканлиги кўзга яққол ташланади; анъанавий шаклда ахборот тақдимоти вазифасини бажариб келаётган ҳисоб

тизимлари томонидан тақдим этилаётган маълумотлар аксарият ҳолларда деярлик яроқсиз, кечикиб берилаётган ёки аниқмаслиги туфайли ҳам уларнинг самараси кескин пасайиб кетган.

Анъанавий тарзда шаклланган ва амалиётда қўлланилиб келинаётган бошқарув ҳисобининг қўйидаги муаммолари мавжуд: бошқарув ҳисоби манфаатлари нуқтаи назаридан харажатларнинг нотўғри тарзда шартли-ўзгарувчан ва шартли-ўзгармас гурӯхларга классификация қилиниши; корхона фаолияти ҳажмининг кескин тарзда ошган вақтларида, таннархнинг ишлаб чиқариш ҳажми билан боғлиқ бўлмаган тарзда нотўғри шакллантирилиши; билвосита (иккиласми, эгри ва ш.к.) харажатларни тақсимлашда қўлланиладиган усувларнинг самарасизлиги; мавжуд маълумотлар асосида стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиб бўлмаслиги; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлиги таннархни аниқлашда қўлланилаётган харажатлар ҳисобининг меъёрий усули самарасиз эканлиги.

Вужудга келган мана шу вазият, ўз-ўзидан, корхоналарда харажатларни бошқариш ва уларни ҳисобга олишнинг янги ва самарали механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

**Адабиётлар шарҳи.** Рақамли иқтисодиёт шароитида барча хўжалик юритувчи субъектларнинг бош мақсади юқори фойда олиш ҳисобланади. Албатта, ушбу натижага эришиш бир қанча жараёнларга узвий боғлиқ. Улар орасида энг муҳими даромад ҳамда харажатларнинг тан олинишидир. Хўжалик юритувчи субъектларда даромадлар каби харажатлар ҳам молиявий натижанинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади [1].

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.Б.Абдусаломова, У.У.Костаев, А.Х.Пардаев, Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов томонидан молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичлари, шу қаторида харажатларнинг назарий-услубий жиҳатлари тадқиқ этилган [2].

Шунингдек, А.Х.Пардаев ҳамда У.У.Костаевнинг илмий тадқиқот ишларида хўжалик юритувчи субъектларда олинган даромад ва фойда категорияларнинг функциялари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларда тушумларнинг ошиши билан фойда ўсиши ўртасидаги корреляцион боғланиш ҳамда ана шу кўрсаткичларнинг харажатларга нисбатан ўзгариш орасидаги нисбат четланишлари таҳлил қилиб чиқилган [3].

МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан В.Б.Ишавкевич, В.Э.Керимов, И.Г.Кондратова, В.Ф.Палий томонидан ҳам хўжалик юритувчи субъектларда стратегик бошқарув ҳисобини харажатлар асосида ташкил қилиш, харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобида қўлланиладиган калькуляция усулларини янада такомиллаштириш ҳамда бюджетлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган [1, 5].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.З.Авлокулов ўз илмий изланишлари натижаларига асосланиб, молиявий натижаларни ифодаловчи харажат кўрсаткичларидан “чиқим”, “сарф” ва “харажат” категориялари ўртасидаги услубий ҳамда методологик фарқларни кўрсатиб берган [6].

Н.Б.Абдусаломова таъкидлаганидек, “...харажатлар маркази бўйича харажатларни режалаштириш ва ҳисобини ташкил қилишининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу жойда харажатлар унинг учун тўғри харажатлар ҳисобланади. Шундай қилиб, эгри харажатлар бироз камаяди ва маҳсулот таннархида тўғри харажатлар улуши кенгаяди” [4].

А.К.Ибрагимов, Б.А.Хасанов, Н.К.Ризаев хўжалик юритувчи субъектларда харажатларнинг бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишга йўналтирилган янги технология ва инновациян ёндашувларни таклиф этгандар [7].

М.Б.Калонов эса корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш борасида уларни фаолият йўналишлари бўйича ҳисобга олишни таклиф этиб, ҳисобга олиш регистрини ишлаб чиқсан ҳамда ишчи счёtlар тузилмасини таклиф этган [8].

С.Н.Ташназаров “Фойда ва заарлар ҳамда бошқа тўплам даромадлар тўғрисидаги ҳисобот”, “Маҳсулот (иш, хизматлар) таннархи тўғрисидаги ҳисобот”ларнинг шакллари ҳамда бундай ҳисоботларни тузишда “вериайл костинг” (variable costing) тизимини қўллашнинг такомиллашган услубий тартибини таклиф этган [9, 10].

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий изланиш давомида аниқ фактларга асосланган ҳолда маълумотларни гуруҳларга ажратиш, шунингдек, индекс ва норматив усулни инобатга олиб, унинг тузилмасини ўрганиш асосида ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, таҳлил ва синтез қилиш, статистик маълумотларни таққослаш каби усуллардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, ҳозирги кунда жаҳон амалиётида харажатлар ва молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг учта устувор йўналиши қўлланилмоқда:

1. Қиймат занжирини шакллантириш орқали корхона фаолияти йўналишлари бўйича (М.Порттер).

2. Маҳсулот ҳаракати давомида харажатлар ошиб бориши асосида (Б.Райан).

3. Харажатларни стратегик бошқариш орқали (Дж.Шанг ва В.Говиндараджан).

Бунда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш қўйидаги муҳим тамойилларга асосланади:

– харажатларни стратегик бошқариш механизмларидан фойдаланиш;

– корхона фаолияти йўналишлари бўйича қиймат занжирини шакллантириш;

– маҳсулот ҳаракати давомида харажатлар ошиб бориши тўғрисида ахборотни шакллантириш;

– қарорлар қабул қилиш учун маҳсулотнинг бутун ҳаракатини кузатиб бориш тамойилидан фойдаланиш.

Қиймат занжирини шакллантириш концепцияси М.Порттер томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у корхоналарнинг фаолиятларини асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлиш тамойилига асосланади.

Қиймат занжирини шакллантириш ҳар бир корхона томонидан маҳсулотни ишлаб чи-

қаришдан то унинг охирги истеъмолчиси талабларини қондиришгача мувофиқлаштириб борилувчи ҳаракатлар йифиндисидан иборат, яъни хомашё етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш жараёни билан бошланиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энг охирги истеъмолчисига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларни бевосита ҳисобга олиш тушунилади.

Қиймат занжирини шакллантираётган ҳар бир занжир бўғини занжирдаги кейинги бўғин учун сифатли маҳсулот етказиб бериш, харажатларни имкон қадар камайтириш ва якуний маҳсулотнинг рақобатбардош бўлиши учун масъуллигини ҳис қилиш керак. Стратегик бошқарув ҳисобида М.Портнернинг қиймат занжирдан фойдаланиш корхоналарнинг алоҳида фаолият йўналишларини аниқ ажратиб олиш,

мазкур йўналишлар бўйича ҳам ички, ҳам ташқи харажатларни ҳисобга олиш ва уларни самарали бошқариш имкониятини яратади.

Харажатларни стратегик бошқариш мақсадида зарур бўладиган маълумотларни нафоқат умумий фаолият бўйича, балки ҳар бир фаолиятдаги харажатлар миқдорининг харажат турлари бўйича ҳам шакллантириш зарур. Эътироф этиш жоизки, харажатларни гурухлаштириш бўйича амалиётда мавжуд усуслар стратегик бошқарув ҳисоби манфаатларига тўғри келмайди. Стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш учун амалда бошқарув ҳисоби манфаатлари учун қўлланиладиган харажатларни туркумлаш ёндашувидан фарқ қиласидаги гурухлаштириш усули таклиф қилинади (1-жадвал):

### 1-жадвал

#### Стратегик бошқарув ҳисобида харажатларни гурухлаш

| №  | Гурухлаш белгиси                                      | Харажат тури   |
|----|---|--|
| 1. | Стратегик қарорларни қабул қилишдаги иштирокига қараб | 1.1. Муқаррар ҳаражатлар.<br>1.2. Бартараф этиладиган ҳаражатлар.<br>1.3. Ўсиб борувчи ҳаражатлар. |
| 2. | Вужудга келиш вақтига қараб                           | 2.1. Ўтган давр ҳаражатлари.<br>2.2. Жорий давр ҳаражатлари.<br>2.3. Келгуси давр ҳаражатлари.     |
| 3. | Бошқарилыш даражасига қараб                           | 3.1. Бошқариладиган ҳаражатлар.<br>3.2. Бошқарилмайдиган ҳаражатлар.                               |
| 4. | Фаолият турига қараб                                  | 4.1. Асосий ҳаражатлар.<br>4.2. Ёрдамчи ҳаражатлар.  |
| 5. | Маҳсулот ҳаракатидаги иштирокига қараб                | 5.1. Асосий ресурс ҳаражатлари.<br>5.2. Ёрдамчи ресурс ҳаражатлари.                                |
| 6. | Ишлаб чиқарилётган маҳсулот таннархидаги ўрнига қараб | 6.1. Кўшимча қиймат яратадиган ҳаражатлар.<br>6.2. Кўшимча қиймат яратмайдиган ҳаражатлар.         |
| 7. | Стратегик қарор қабул қилишда ҳисобга олинишига қараб | 7.1. Релевант ҳаражатлар.<br>7.2. Норелевант ҳаражатлар.   |

Маълумки, бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида харажатлар, аввало, шартли-ўзгарувчан ва шартли-доимий гурухларга туркумланиб келинган.

Глобаллашув, мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва экспорт географиясини кенгайтириш масалалари кун тартибида долзарб бўлиб турган ҳозирги кунда эса харажатларнинг ана шундай – доимий ҳамда ўзгарувчан гурухга бўлинниши мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда жуда кўп иқтисодчи олим ва амалиётчилар стратегик ёндашув жиҳатидан ўзгарувчан харажатларни фойдасиз, деб ҳисобламоқда. Аниқроғи, стратегик ривожланиш мақсадидан келиб чиқсан, барча харажатларни ўзгарувчан деб ҳисобга олиш кўпроқ фойда келтиради, деб ўйлаймиз. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш пайтида ҳисобга олиниши

жиҳатидан харажатларнинг бартараф этиладиган, ўсиб борувчи ҳамда муқаррар ҳаражатлар туркумига бўлиниши мақсадга мувофиқ.

*Муқаррар ҳаражатлар* корхона раҳбарияти томонидан ҳар бир вариандаги стратегик бошқарув қарори қабул қилинишидан қатъи назар барибир амалга ошади, яъни уларнинг миқдори ўзгартмайди.

Шу билан бир қаторда *бартараф этиладиган ҳаражатлар* миқдори эса қабул қилинадиган стратегик бошқарув қарорлари асосида ўзгариади.

Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш жараёнида ўсиб борувчи ҳаражатлар туркумига ҳам, албатта, эътибор қаратиш ва бундай харажатларни алоҳида класификация гурухига ажратиб ҳисобга олиш лозим. Чунки маҳсулот ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ барча моддий, молиявий ва меҳнат ресурслари, шунингдек, инфратузилма, технологик жараён ва маҳсулот дизайни

харажатларини бир миқдорда сақлаб туриш мүмкін. Бу ҳолатда харажатларнинг умумий ҳажми маълум вақтлар оралиғида ўзгармайди. Шу йўналишнинг маълум бир томонларини такомиллаштириш, янгилаш, инвестициялар олиб кириш мақсадида стратегик бошқарув қарорлари қабул қилинса, бундай харажатлар миқдори ошиб боради, ана шу икки ҳолат хўжалик юритувчи субъектга турли хил самара келтиради.

Харажатларни вужудга келиш вақтига қараб ўтган давр, жорий вақт, келгуси давр харажатлар гурухига туркумланиши уларнинг содир этилган вақтини аниқлаш мақсадида амалга оширилади, чунки бундай ёндашув маълум бир давр оралиғидаги даромадлар миқдорини тўғри ҳисоблаш ва якуний молиявий натижалар миқдорини аниқ ҳисобга олиш имкониятини яратади. Стратегик бошқарув ҳисобида харажатлар тўғрисидаги маълумотларни юқорида таклиф этилаётган усулларда гурухлаштириш ҳар бир корхонанинг фаолият йўналишлари бўйича харажатлар тўғрисидаги маълумотларни тизимли равишда шакллантириш, уларнинг тезкорлигини таъминлаш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва якуний натижани тўғри шакллантиришга замин яратади.

Корхоналарда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини биз таклиф қилаётган гурухлаштириш тамоили асосида ташкил қилиш қўйидаги ҳаракатлар (ҳаракатлар алгоритми)ни амалга оширишни тақозо этади: корхонанинг қиймат занжиридаги асосий ва ёрдамчи фаолият йўналишлари ажратилади ва таҳлил қилиб чиқлади; алоҳида ажратиб олинган ҳар бир фаолият йўналиши бўйича харажатлар гурухлали маркази аниқланади; ҳар бир фаолият йўна-

лиши бўйича харажатларни ташкил қилувчи моддалар (элемент) белгиланади; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича харажатларни тақсимлаш амалга оширилади; алоҳида олинган маҳсулот бирлигининг таннахии аниқланади; якуний молиявий натижа шакллантирилади.

Харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш мақсадида юқорида қайд қилинган ҳаракатлар натижаси, албатта, счёtlар режасига янги позицияларни киритишни тақозо қиласди. Юқоридаги таклиф ва илмий хуносалардан келиб чиқиб, корхоналарда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун амалдаги "Асосий ишлаб чиқариш" счётига қўйидаги тартибда яна бир қатор кўшимча субсчёtlарни очишни таклиф қиласмиз, хусусан: "Корхона инфратузилмасини бошқариш харажатлари"; "Меҳнат ресурсларини бошқариш харажатлари"; "Моддий-техник таъминот харажатлари"; "Янги маҳсулот турлари ва ассортиментларини яратиш харажатлари"; "Янги технологияларни излаб топиш ва яратиш харажатлари"; "Маҳсулотни истеъмолчигача етказиб бериш харажатлари"; "Маҳсулот реализациясига хизмат кўрсатиш харажатлари".

Таклиф қилинаётган субсчёtlар ҳар бир корхона миқёсида асосий ва ёрдамчи фаолиятлар кесимида харажат турлари бўйича ҳисоб маълумотларини шакллантириб бориш имконини яратади. Шунингдек, харажатларнинг ҳисоб-таҳлил учун самарали базасини шакллантириш мақсадида уларни россиялик олим Е.В.Исаева таклифларига қўшилган ҳолда, қўидаги таркибий қисмларга ажратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисблаймиз (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Корхонанинг фаолият йўналишлари бўйича ҳисоб маълумотлари шаклланниши

| Фаолият йўналишлари | Фойдаланилайдиган ҳисоб позицияси<br>(субсчёtlар)   | Ахборот шаклланадиган манба  |
|---------------------|---|--|
| Асосий фаолият      | "Асосий ишлаб чиқариш харажатлари";<br>"Моддий-техник таъминот харажатлари";<br>"Маҳсулотни истеъмолчигача етказиб бериш харажатлари";<br>"Маҳсулот реализациясига хизмат кўрсатиш харажатлари".  | Асосий ишлаб чиқариш харажатлари сметаси,<br>Тайёрлов-таъминот харажатлари сметаси,<br>Реализация сметаси<br>Хизмат кўрсатиш харажатлари сметаси |
| Ёрдамчи фаолият     | "Корхона инфраструктурасини бошқариш харажатлари";<br>"Меҳнат ресурсларини бошқариш харажатлари";<br>"Моддий-техник таъминот харажатлари";<br>"Янги маҳсулот турлари ва ассортиментларини яратиш харажатлари";<br>"Янги технологияларни излаб топиш ва яратиш харажатлари". | Инфраструктура сметаси<br>Ресурслар билан таъминлаш харажатлари сметаси<br>ИТКИ (НИОКР) харажатлари  |

**Хулоса ва таклифлар.** Қиймат занжирининг шаклланниши, яъни хомашё кўринишидаги модданинг бир неча бўғинлардан ўтиб, тайёр

маҳсулот ҳолида истеъмолчига етиб боргунича бўлган харажатларни комплекс ҳисобга олиш:

- маҳсулот яратишнинг мантиқий занжирини аниқлаш;

- технологик жараёнларнинг ҳар бир босқичи харажатлари бўйича шаклланиб борувчи объектив маълумотлар асосида маҳсулот ҳаракатининг энг оптимал вариантини танлаш;
- маҳсулотга қўшимча қиймат киритувчи асосий, иккиламчи, муҳим ва муҳим бўлмаган харажатларни аниқлаш;
- хомашё-материалларни харидорлардан сотиб олиш, ундан маҳсулот ишлаб чиқариш, тайёр бўлган маҳсулотни истеъмолчига етказиб

беришнинг барча бўғинлари, шунингдек, мазкур бўғинларга ички ва ташқи омиллар таъсири ҳамда улар билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ва бошқариш;

– корхоналарда харажатларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали ташкил қилиш учун уларнинг фаолият йўналишларини асосий ва ёрдамчи йўналишга ажратиш имконини яратади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар:**

1. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. *Boshqaruv hisobi. Darslik*. – T.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 556 b.
2. Пардаева Ш.А. *Хўжаллик субъектларида молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини тақомиллаштириш*. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz), 3-сон, 2021 йил, июнь.
3. Abdinabi Kh. Pardaev, Umidjon U. Kostaev. *The improvement of organizing strategic management accounting, Journal of Critical Reviews*, 7(18), с. 718-721, ISSN-2394-5125 vol. 7, ISSUE 18, 2020.
4. Абдусаломова Н.Б. *Харажатларнинг келиб чиқиши жойлари ва жавобгарлик марказлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил қилиш*. // "Халқаро молия ва ҳисоб" илмий-электрон журнали. [www.interfinance.uz](http://www.interfinance.uz), 1-сон, 2016 йил сентябрь.
5. Керимов В.Э. *Стратегический учет. Учебное пособие*. // В.Э.Керимов. – М.: Омега-Л, 2005. – 168 с.
6. Авлоқулов А.З. *Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати*. – Т., 2019 йил. – 71 бет, 16-бет.
7. Амалий бошқарув ҳисоби. Олий ўқув юртлари учун ўқув кўйлланма. / А.К.Ибрагимов, Б.А.Хасанов, Н.К.Ризаев. – Т.: Молия, 2014. – 404 б., 187-197-бетлар.
8. Калонов М.Б. *Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати*. – Т., 2019 йил. 63-бет.
9. Ташназаров С.Н. *Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг назарий ва методологик асосларини тақомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати*. – Т., 2019 йил. 73-б.
10. Tashnazarov S. *The main ways of the improvement of financial reports in the Republic of Uzbekistan (about balance sheet and the report of financial results)*. // *Journal of Management Value & Ethica*. ISSN: 2249-9512, Vol. 6, Oct-Dec. 16, №4. P. 109-119. GIFO. 565.



## **КОРХОНАЛАРДА ЖОРӢ АКТИВЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ АОССЛАРИ**

**Мавлянова Дилобар Махкамовна -**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети PhD

**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss2/a23](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a23)

**Аннотация.** Мақолада активларни таҳлил қилишининг усуслари, айланма маблағларни таҳлил қилиш ёндашувлари кўриб чиқилади, мавжуд методологиянинг камчилклари кўрсатилган, жорӣ активларни таҳлил қилиш учун муаллифлик методологияси таклиф қилинган, мавжуд усусларни умумлаштириш, шунингдек, янги коэффициентларни қўшиш ва аниқлик киритиш айланма маблағларни таҳлил қилишининг асосий йўналишлари келтирилган. Дебиторлик қарзлари ва пул маблағлари каби жорӣ активларнинг бундай элементини таҳлил қилиш кўриб чиқилган. Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини, уларнинг тузилишини таҳлил қилиш таклиф этилган ва уларнинг яқуний молиявий натижасага таъсири асосланган.

**Калим сўзлар:** айланма маблағлар, айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлиги, айланма маблағларни таҳлил қилиш босқичлари, айланма маблағларнинг тузилиши, жорӣ, тез, мутлақ, шошилинч ликвидлик коэффициентлари, маблағларни жалб қилишда ликвидлик, айланма маблағларнинг динамик таҳлили, айланма маблағларнинг айланни коэффициенти, нақд пул таҳлили.

## **ОСНОВЫ МЕТОДИКИ АНАЛИЗА ТЕКУЩИХ АКТИВОВ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ**

**Мавлянова Дилобар Махкамовна -**  
ТГЭУ д.ф.э.н (Phd)

**Аннотация.** В статье рассматриваются существующие методы анализа активов, подходы к анализу текущих активов, приведены недостатки существующей методики, предлагается авторская методика анализа текущих активов, обобщая существующие методы, а также добавив новые коэффициенты и уточнены основные направления анализа текущих активов. Рассмотрен анализ такого элемента текущих активов как дебиторская задолженность и денежные средства. Предлагается анализ отдельных элементов текущих активов, структуры текущих активов и обосновывается их влияния на конечный финансовый результат.

**Ключевые слова:** текущие активы, эффективность использования текущих активов, этапы анализа текущих активов, структура текущих активов, коэффициенты текущей, быстрой, абсолютной, срочной ликвидности, ликвидность при мобилизации средств, динамический анализ текущих активов, коэффициент оборачиваемости всех текущих активов, анализ денежных средств.